

Эхсонов Зокиржон Муҳаммаджонович
Банк-молия академияси магистранти

МАМЛАКАТ РИВОЖИДА МИЛЛИЙ ЭКСПОРТНИНГ ЎРНИ

Аннотация: Ушбу мақолада экспорт соҳасининг ўзога хос қийинчиликлари, дунё бозорида миллий маҳсулотларнинг ўрни, миллий экспортнинг мамлакат ривожига таъсири хусусида фикр юритилган. Маҳсулотларимизнинг халқаро бозордаги рақобати, шунингдек талаб ва таклиф ҳақида ҳам айрим маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Экспорт, миллий валюта, миллий маҳсулот, импорт, халқаро алоқалар, рейтинг, даромат, модел, корхона.

Аннотация: В данной статье рассматриваются уникальные проблемы экспортного сектора, роль национальной продукции на мировом рынке, а также влияние национального экспорта на развитие страны. Также представлена некоторая информация о конкуренции нашей продукции на международном рынке, а также спросе и предложении..

Ключевые слова: Экспорт, национальная валюта, национальный продукт, импорт, международные отношения, рейтинг, доход, модель, предприятие.

Abstract: This article discusses the unique challenges of the export sector, the role of national products in the world market, and the impact of national exports on the country's development. Some information about the competition of our products in the international market, as well as supply and demand is also presented

Key words: Export, national currency, national product, import, international relations, rating, income, model, enterprise

Кириш: Миллий экспортни кўллаб-қувватлаш тизимининг ўзига хос афзалликлари - экспортчиларни “ягона ойна” тамойили асосида комплекс кўллаб-қувватлаш имконияти ҳамда уларга ўз фаолиятида дуч келадиган масалаларнинг кенг кўламини ҳал этишда вақт йўқотишларини ва моддий харажатларини сезиларли даражада камайтиришга имкон беради. Ўтган йилларда экспорт билан шуғулланувчи корхоналар учун чет эл валютасининг айрим қисмини мажбурий сотиш тизими бекор қилинганилиги, расмий ва норасмий валюта курсларининг бирлаштирилганлиги, миллий валютанинг курси деярли 100 фоиз пасайишига олиб келди (бу дегани, амалга оширилган чоралар айнан экспорт билан шуғулланадиган корхоналар эҳтиёжларини қондиришга қаратилган). Ушбу факторлар экспортни ўсишига ҳамда экспортга мўлжалланган моделни шакллантиришга қаратилган ва экспорт билан шуғулланадиган корхоналар учун жуда қулайдир.

Асосий қисм: Ўзбекистон Республикаси Президенти “Ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулотлар рақобатдошлигини таъминлаш ва экспортини рағбатлантиришга доир кўшимча чоратадбирлари тўғрисида”ги фармонга имзо чекди. Ушбу ҳужжат қонун томонидан ўзига хос деб ҳисобланган маҳсулотлардан ташқари барча экспорт қилинаётган маҳсулотларни бождан озод қилди ва экспортни литсензиялаштиришни бекор қилди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экспорт бозорларига ортиқча тўсиқларсиз кириб боришига имконият яратиш энг олий мақсадимиздир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни экспорт салоҳиятини оширишда вужудга келаётган муаммолар:

- Ходимларни малакасини доимий равишда ошириб бориш ва уларни тажрибаларини илг'ор хорижий давлатларда малакасини ошириш ва тажриба алмашиш борасида ишларни амалга ошириш;
- Техник регламент қабул қилиш чораларини кучайтириш ва амалда тадбиқ этишни жадаллаштириш;
- Регионал ва халқаро ташкилотлар билан узвий ва доимий ҳамкорлик қилиш ҳамда улар билан Ўзаро актуал ма'лумот алмашишни ё'лга қўйиш;
- Мувофиқликни баҳолаш идораларига бўлган талабни кучайтириш.

Ўзбекистон шароитида етиштирилаётган экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, рақобатбардошлиги ҳамда экспорт салоҳиятини оширишдаги муаммо ва уларнинг ечимлари бўйича таклиф ва тавсиялар келтирилган. Бугунги кунда мамлакатимизда экспортга мўлжаллаб кўпроқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, хавфсизлигини таъминлаш ҳамда савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини хавфсизлигини таъминлашда халқаро стандартлар талаблари билан уйғунлаштириш, ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар, экспорт ва импорт қилувчиларнинг сифатсиз чиқарилган маҳсулоти учун жавобгарлик даражасини оширишга, бозорда хавфли маҳсулотлар реализациясининг олдини олишга қаратилган давлат назоратини кучайтиришга, маҳаллий маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, умумий ва махсус техник регламентларни қишлоқ хўжалигига кенг жорий этиш, маҳсулотларни хавфсизлигига қўйилган талаблар, халқаро стандартларни экспортёр корхоналарда жорий қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш, сертификатлаштириш ё'налишларида амалий ёрдам кўрсатиш энг асосий вазифа бўлиб ҳисобланади. Авваллари Ўзбекистонда экспорт олди молиялаштириш фаолияти ҳеч қачон олиб борилмаган эди. 2017-йилдан бошлаб, то ҳозирга қадар Ўзбекистон банклари томонидан экспорт олди молиялаштириш механизмларини татбиқ этиш ишлари бошланди. Бу эса экспортга мўлжалланган ривожланиш тизимини фаоллаштиришда муҳим қадам бўлди. Шундай қилиб, давлат иқтисодиётини импорт ўрнини босиш моделидан экспортни ривожлантириш моделига ўтиш ишлари олиб борилмоқда. Экспортни ривожлантиришнинг асосий омили бу экспорт қилинадиган бозорларни ҳамда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни диверсификациялаштиришдир. Бозорларни диверсификациялаштириш – бу Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сотиладиган давлатлар сонини кўпайтиришдир ва географиясини кенгайтириш. Экспорт қилинаётган маҳсулотларни диверсификациялаштириш – бу экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг турларини оширишдир. 2022-йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон экспорти 2,4 баравар ошиб, 5,7 млрд долларга етди. Экспорт таркибининг ярмидан кўпроғи олтин савдосидан иборат бўлди. Олтинни ҳисобга олмаганда, экспорт ўсиши 15,8 фоизга тенг бўлди. Импорт эса 44,6 фоизга ўсиб, 7,4 млрд долларни ташкил этди. 2022 йилнинг январ-март ойлари якунларига кўра, Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 13,15 млрд долларни ташкил этди, бу 2021 йилнинг шу даврига нисбатан 5,6 млрд долларга (74,8 фоизга) кўпдир, дея хабар беради Давлат статистика қўмитаси. Ташқи савдо умумий ҳажмидан экспорт 5,7 млрд долларни (2021 йилнинг январ-мартига нисбатан 138,7 фоизга ёки 2,4 бараварга ўсган), импорт эса 7,4 млрд долларни (ўсиш 44,6 фоиз) ташкил этди. Натижада ташқи савдо айланмаси савдоси 1,6 млрд доллар миқдоридаги пассив баланси ташкил этди, бу 2021 йилнинг биринчи уч ойидагига нисбатан (2,7 млрд доллар) учдан бирдан кўпроққа камдир. Бугунги кунга қадар Ўзбекистон дунёнинг 160 та давлати билан савдо алоқаларини ўрнатган. Ташқи савдо айланмасининг энг катта ҳажми Хитой (16,6%), Россия (14,2%), Қозоғистон (7,5%), Туркия (5,9%), Корея Республикаси (4,8%), Германия (2,9%) ва Қирғизистон (1,7%) билан қайд этилган. 2022 йилнинг январ-март ойларида экспорт қилувчи субъектларнинг умумий сони 3658 тани ташкил этди. Бу, Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, олтинсиз экспорт ҳажмини 2,8 млрд долларга

етганини таъминлади. 2021 йилнинг шу даврига нисбатан бу 15,8 фоизга ўсган. Шу билан бирга, олтин умумий экспортнинг ярмидан кўпроғини — 51,5% ёки 2,9 млрд долларни ташкил этди. Спот нашрининг қайд этишича, март ойида январь-феврал ойларини айириб ташлаган ҳолда олтин экспорти 609 млн долларни ёки ойлик ҳажмнинг 36 фоизини ташкил қилган. Қимматбаҳо металллар сотуви сезиларли даражада секинлашгани Марказий банк маълумотларида ҳам қайд этилган. Ўтган йилнинг биринчи уч ойида Ўзбекистон олтин сотмаган. Экспорт таркибида саноат товарлари улуши 19 фоиз (1,09 млрд доллар), озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар 4,9 фоиз (281,8 млн доллар), кимё ва шунга ўхшаш маҳсулотлар 4,3 фоизни (246 млн доллар) ташкил этди. 2021 йилнинг дастлабки уч ойи давомида саноат маҳсулотлари экспорти 19,9 фоизга, металл буюмлар экспорти 85 фоизга, металл бўлмаган маҳсулотлар экспорти 30 фоизга, ип-калава ва газламалар экспорти 20,8 фоизга ўсди. Озиқ-овқат экспорти ўтган йилнинг январь-мартга нисбатан 23 фоизга, кимё маҳсулотлари экспорти 7,6 фоизга ошган. Автомобил экспорти икки баравардан кўпроқ қамайдди. Экспорт таркибида хизматлар 9,8 фоизни ташкил этиб, Ўзбекистонга 567,7 млн доллар келтирди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20,9 фоизга кўпдир. 529,7 млн долларлик хизматлар импорт қилинди (умумий тузилмада 7,2 фоиз), бу 2021 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 46,4 фоизга кўпдир. Хулоса: Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бу ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини кенгайтириш учун қулай шароит яратишдир. Бунинг учун сўнгги йилларда давлат ва ҳукумат раҳбари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватловчи миллий институтлар ташкил этиш тўғрисида қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ташқи савдо ва экспорт кўрсаткичлари суръатининг умумий ижобий динамикасидан келиб чиқиб, унинг ҳажмлари, шунингдек тармоқлардаги экспорт ҳажмларининг амалда ўсиш суръатларини оширишни давом эттириш тавсия этилди. Бундан ташқари, инвестиция фаолияти ва экспорт субъектларини қўллаб-қувватлаш соҳасида тадбиркорлар бизнес режалари ва ривожланиш стратегиясини амалга ошириши учун уларга қулай шароитлар яратиш мақсадида қонунчилик такомиллаштирилмоқда. Экспорт назоратини ўтказишда, яъни зарур экспорт сертификатларини олиш ва экспорт божхона расмийлаштируви учун ҳам муҳим ўзгаришлар юз бермоқда. Соҳани ривожлантириш учун чуқур маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, узоқ муддатли барқарор савдо бозорларини шакллантиришга, ташқи савдо инфратузилмасини, шу жумладан, чет элларда яратишга лозим даражада эътибор қаратиш тавсия этилди. Тадбир давомида давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида белгиланган устувор йўналишларни ҳисобга олган ҳолда экспорт бўйича қонунчилик ислохотларининг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Шунингдек, Ўзбекистонда экспортни қўллаб-қувватлаш тизимини янада ривожлантириш бўйича тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 21-декабрда “Тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-268-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспорт фаолиятини молиявий қўллабқувватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
3. [хтпс://lex.uz](http://lex.uz) - Ўзбекистон Республикаси Қонунлар базаси.
4. [хтпс://дунё.инфо/уз](http://dunё.инфо/уз)-Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги

5. ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР
ЙЎНАЛИШЛАРИ. Республика талабалар илмий - амалий анжумани. ИЛМИЙ МАҚОЛА
ВА МАЪРУЗАЛАР ТЎПЛАМИ 2022 йил 31 март